O'ZBEKISTON

УШБУ СОНДА:

2 ХАТОНИНГ ИЛДИЗИ

3 XXI АСР НАФАСИ — воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

4 НОТАРИАЛ ХИЗМАТ

УЗИЛГАН РИШТАЛАР

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 39 (494) 2006 йил 3 октябрь сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Жамлама асар муаллифига (тузувчисига) ижодий меҳнат натижасини ифодаловчи, мазкур муаллиф томонидан амалга оширилган, материалларни танлаб олиш ёки жойлаштиришга бўлган муаллифлик ҳуқуқи тегишлидир.

Тузувчи жамлама асарга киритилган асарлардан ҳар бирининг муаллифлари ҳуқуқларига риоя этган тақдирда, муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Агар муаллифлик шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, жамлама асарга киритилган асарларнинг муаллифлари ўз асарларидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқларини жамлама асардан қатъи назар сақлаб қоладилар.

Тузувчининг муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг ўз жамлама асарларини яратиш учун айни ўша материалларни мустақил равишда танлаб олишларига ёки жойлаштиришларига тўсқинлик қилмайди.

«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 14-МОДДА

ИНСОН ҲАЁТИ —ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг мантиқий давомини мухтасар таърифлайдиган бўлсак, жамиятимиздаги жамики юксалишлар, ижобий ўзгаришлар ва янгиланишлар бир улуғ мақсадга йўналтирилган — инсоннинг бахт-саодатини, фаровон турмушини кафолатлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинлигини, яшаш ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлашдир. Истиқлолимизнинг илк кунларидан бошлаб бугунги кунга қадар изчил такомиллаштириб келинаётган қонунчилигимиз юртимизда эзгулик, инсонпарварлик тамойилларининг теран илдиз отишига барча зарур шарт-шароит ҳамда имкониятларни яратиб берди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкор ва ҳамқадам бўлиб, ўзининг буюк келажаги йўлидан дадил одимлаётган экан, бу улуғ йўлда ўз сиёсатининг мезони сифатида умумбашарий ғояларга таянаётгани ғоятда қувонарлидир. Айни шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда барпо этилаётган жамиятнинг туб моҳиятини, ўтказилаётган ислоҳотлар мазмунини билиб олиш қийин эмас.

Дарҳақиқат, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирлар, уларнинг миллий давлатчилигимиз, тараққиётидаги аҳамияти жуда катта.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари, билан суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар ўзининг самараларини бераётир ва халқимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётир. Буни Президентимизнинг **«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»**ги Фармони мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Мазкур Фармон қабул қилинганига яқинда бир йил бўлди. Шу қисқа муддатда унда белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳоли ўртасида ўлим жазосини бекор қилишнинг моҳияти кенг кўламда тушунтирилмоқда. Бу борада давлат ҳокимияти, маъмурий идоралар, оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда, нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар, жамоат арбоблари, зиёлиларимиз жонбозлик кўрсатишаётир. Жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоиримиз Абдулла Орипов шундай ёзади: «Табиатда ғалати қонуният мавжуд: йўлбарс ҳеч қачон йўлбарснинг жонига тажовуз қилмайди. Фақатгина олий тафаккур эгаси саналмиш инсонгина бир-бирининг жонига қасд қилишга мойил. Бу табиатдаги мувозанатнинг айнан бузилишидир. Бу ҳам ўлим жазосини бекор қилишнинг яна бир асоси ҳисобланади».

Яқин ўтмишда инсон қадри топталгани, собиқ шўро тузумининг ноҳақ сиёсати оқибатида минглаб ватанпарвар зиёлиларимиз қатағон қилинганига тарих шоҳид. Инсон шаънига, обрў-эътиборига, яшаш ҳуқуқига мутлақо бефарқлик ана шундай адолатсизликларни келтириб чиқарган. Мустақилликка эришганимиздан кейин ўлим жазоси қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан 2 тагача қисқартирилди, 60 ёшдан ошган кишилар, вояга етмаган ва хотин-қизларга нисбатан ушбу жазони қўллаш таъқиқланди.

Дарвоқе, бундай босқичма-босқич, изчил олиб борилган чора-тадбирлар халқаро ҳуқуқ меъёрларига айнан мослиги билан ҳам эътиборга молик. Чунончи, БМТ Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилган резолюциясидаги ушбу қоида фикримизга далилдир: «Ўлим жазоси масаласида кўзда тутилган асосий мақсад — бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини камайтириб беришдан иборат бўлмоғи даркор».

2008 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинади. Бу жазо умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилади. Айни ҳақиқат инсонни улуғлаш, кечиримлилик, меҳр-оқибатни энг юксак фазилат сифатида асрлар мобайнида қадрлаб келган халқимизнинг орзу-истакларига айнан мос.

Сўнгги йилларда Ватанимизда эришилган оламшумул ютуқлар, барча соҳалар ривожида тўпланган бой тажрибаларга ҳали холис баҳо берилади ва келажак авлодлар улардан бахраманд бўлади. Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришда, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг қонуний ҳуқуқи, деган конституциявий талабни амалга оширишда навбатдаги дадил қадам бўлди.

М. ХОЛМОНОВ,
ҳуқуқшунос

Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 25 августдаги еттинчи ялпи мажлисида маъқулланган, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган «Фирма номлари тўғрисида»ги қонун нафақат фирма номларининг ҳуқуқий муҳофазаси, балки мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Qonun ijodkorligi

ФИРМА НОМЛАРИ

уларнинг ҳуқуқий кафолати

«Фирма номлари тўғрисида»ги қонун қабул қилингунга қадар, фирма номларининг ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ меъёрлар фақат Фуқаролик кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилганди. Бироқ уларда фирма номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишнинг умумий қоидалари келтирилган бўлиб, фирма номининг таърифи ва структураси, уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа масалалар ўз ифодасини топганди. Бу эса, амалиётда товар белгилари, домен номлари, географик белгиларга бўлган ҳуқуқлар ўртасида тафовутларни; турли хил низоларни келтириб чиқарарди. Бундан ташқари, мазкур соҳага оид низоларни ҳал қилишда судьялар учун муайян қийинчиликлар ҳам юзага келарди. **«Фирма номлари тўғрисида»**ги қонуннинг қабул қилиниши фирма номларини ҳуқуқий ҳимоя этишда муҳим қадам бўлди.

Мазкур қонун давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 мартдаги **«Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш чоралари тўғрисида»**ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Қонун 17 моддадан иборат бўлиб, унда қонуннинг мақсади, фирма номи тушунчаси, структураси, фирма номларига бўлган ҳуқуқнинг бузилиши, уни ҳимоя қилиш ва бошқа масалалар ўз ифодасини топган.

Қонунда келтирилган таърифга кўра, фирма номи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахснинг белгисидир. Юридик шахс ушбу белги остида фаолият юритади ҳамда бу белги уни фуқаролик муомаласининг бошқа иштирокчилари орасида шахсийлаштирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Қонуннинг 4-моддасида фирма номи таркибига кириши мумкин бўлмаган белгилар рўйхати келтирилган. Бундай белгилар жумласига давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳукуматларо ва нодавлат нотижорат ташкилотининг номлари, тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахс исми, шунингдек, жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ тамойилларига зид бўлган белгилар киритилган.

Булардан ташқари, қонунда фирма номига бўлган ҳуқуқнинг эгаси фирма номини расмий бланкалар, муҳрлар, штамплар ва юридик шахснинг фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда акс эттириши, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, ҳисоб варақларида, босма нашрларда қўллаши ва қонунчиликка хилоф бўлмаган бошқа шакл ҳамда усулларда фирма номидан фойдаланиши мумкинлиги белгиланган. Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, юридик шахс **(лицензиар)** ўз фирмаси номидан фойдаланиш учун бошқа юридик шахсга (лицензиатга) қонуний тузилган лицензия шартномаси ёки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси асосида рухсат бериши мумкин. Лицензия шартномасида истеъмолчини чалғитишни истисно этадиган чора-тадбирлар назарда тутилиши керак.

Фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқ вақти чегараланмаган. Бу ҳуқуқ юридик шахс тугатилганда ёки унинг фирмаси номи ўзгартирилганда бекор бўлиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, дунёдаги барча давлатларда ҳам фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқ муддатсиз хусусиятга эга эмас.

Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, ундан фойдаланиш тартиби ва муҳофаза қилиниши ҳамда тугатилиши билан боғлиқ меъёрларни ўз ичига олган ҳуқуқий асосларнинг хилма-хиллиги ҳар бир давлатнинг ўзига хос ҳуқуқий анъанаси ва ҳуқуқий тизимига боғлиқдир. Бундай меъёрлар савдо кодекси, компания ва корпорациялар тўғрисидаги қонунларга (Германия, Буюк Британия), товар белгилар тўғрисидаги қонунларга (Испания), ҳудудий аҳамиятга молик халқаро шартномаларга (масалан, Африка интеллектуал ташкилотини ташкил қилиш тўғрисидаги келишув) киритилган.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, **«Фирма номлари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»**ги қонуни ҳам қабул қилинди. Бундан кўзда тутилган мақсад, Фуқаролик кодекси ва **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонуннинг айрим меъёрларини **«Фирма номлари тўғрисида»**ги қонун билан мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Мазкур қонун қабул қилингунга қадар юридик шахснинг фирма номи унинг Низомини тасдиқлаш вақтида берилар ва давлат реестрига киритиш орқали рўйхатга олинарди. Эндиликда ўз фаолиятини низом эмас, балки таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширадиган юридик шахслар фирма номини таъсис ҳужжатида кўрсатиши, бу номга бўлган ҳуқуқ ва юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан юзага келиши белгилаб берилди. Бу эса, ўз навбатида, айрим юридик шахсларга нисбатан чекловларни бартараф қилиб, фирма номларининг ҳуқуқий муҳофазаси таъминланишига хизмат қилади.

Тўлқин АБДУСАТТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходими

Жорий йилнинг 29 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг мониторинги натижалари юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Anjuman

ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН ҚОНУН

Давра суҳбати давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган **«Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасида ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш Концепцияси»**га мувофиқ ўтказилди ва унинг талаблари ўзининг ҳаётий ифодасини топаётганлиги таъкидланди.

Мониторингни ўтказишда белгиланган тадбирлар талабларидан келиб чиқиб, қонунчиликни янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, уларга нисбатан қўлланиладиган молиявий ва маъмурий жазо чораларини суд томонидан қўллаш амалиёти ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга қўлланиладиган жазо тизимини қайта кўриб чиқиш, қасддан содир этилмаган ва унча катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш, шунингдек, тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаган ҳолларда жазо қўллашдан воз кечиш тажрибасининг самарадорлик даражаси баҳоланиб, бу ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаётганлиги эътироф этилди.

Давра суҳбатини Институт директори Ф. Отахонов кириш сўзи билан очиб, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш даврида тадбиркорлик, бизнес ва хусусий секторга нисбатан муносабатларни тубдан ўзгартириш, уларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, қонуний ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўймаслик, уларга қулай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш устувор йўналишларни амалга ошириш вазифалари белгиланганлигига эътибор қаратди. Шундан сўнг гуруҳ раҳбари М. Мамасиддиқов «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг мониторинги: тизимли таҳлил натижалари» мавзусида сўз юритиб, бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишда тадбиркорларнинг фаолияти ва тутган ўрни, мавжуд ютуқ ва камчиликлар хусусида ҳамда амалдаги ҳуқуқий асосларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди.

Тошкент ва Жиззах вилоятларининг туман ва шаҳарларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари, фермерлар, ҳокимият идоралари вакиллари, банк, Давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан бевосита суҳбатлар ва сўровлар ташкил қилиниб, ушбу қонуннинг ижроси, тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини такомиллаштириш юзасидан тегишли фикр-мулоҳазалар олинди. Жумладан, ўтказилган сўров натижаларига кўра, унда иштирок этган жами 715 та респондентларнинг 67,9 фоизи, шулардан: тадбиркорлик субъектларининг 70,4 фоизи, фермерларнинг 63,9 фоизи, ҳокимият вакилларининг 69,5 фоизи, банк ходимларининг 60 фоизи, давлат солиқ инспекцияси ходимларининг 69,3 фоизи «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни янада такомиллаштириш лозимлиги ҳақида фикр билдирганлар. Мониторинг давомида тадбиркорлик фаолияти субъектлари билан ўтказилган сўров натижаларига қараганда, тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан ёрдам беришда банклар томонидан ажратиладиган кредит бериш жараёнини соддалаштириш, кредит бериш муддатини узайтириш, гаровга қўйиладиган мулк турларини кенгайтириш, кредитлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида мунтазам маълумотлар бериш юзасидан қатор фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Бундан ташқари, давра суҳбатида тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг кафолатларига оид Республика Олий суди, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Монополиядан чиқариш, рақобатни ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва бошқа тегишли вазирликлар, олий ўқув юртлари, вилоят хокимликларининг тегишли умумлашма материаллари, статистик ва бошқа маълумотлари таҳлил этилиб, қонун меъёрларини қўллаш даражасини баҳолаш юзасидан ахборот берилди.

Давра суҳбати иштирокчилари томонидан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунни янада такомиллаштириш ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси бўйича илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бобомурод РАЙИМОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Нурилла бобо кузда етмишга тўлади, лекин ҳали даладан оёғини узгани йўқ. Ҳар куни фермер хўжалигига қарашли ерларига бориб бир қур айланмаса, кўнгли тинчимайди. Мана, неча йилларки, отахон ҳаловатини даладан топиб келаётир.

Унинг бу йилги ҳосил чўғидан кўнгли тўқ.

Bugunning gapi

ЭЛГА РИЗҚ УЛАШИБ...

— Ер меҳнат қилганни, қаровидан қочмаганни алдамайди, — дейди отахон. — Бу йил ҳосил яхши бўлди. Беш иш кунида шартномавий режани ошириб бажардик. Насиб бўлса, гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтармоқчимиз.

Унинг уйидан қадрдон даласи кўриниб туради. Нурилла бобо бунга ҳам қаноат қилмай, янги иморат тиклаётганда бинонинг иккинчи қаватида очиқ айвон қурдириб, кароват қўйдирди. Дам олаётган кезлари ана шу жойдан кафтдагидек кўриниб турадиган далаларга қараб ўтиради.

У биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил этганда, бу ишга ишонқирамай қараганлар кўп эди: «Нурилла бобо эсини еганми, ўғит, техникани қаердан олади? Бой бўламан, деб қулгига қолади-ку!», — деганлар бўлди. Бироқ Нурилла Илёсов бундай гап-сўзларга парво қилмади. Юртда бошланган бу ҳаракатнинг этагидан маҳкам ушлади, ер билан бақамти келган одам ҳеч қачон хор бўлмаслигига ишонди.

Хўжаликдан 100 гектар ер олди. Дастлабки йиллар ўзи ҳам тинмади, оила аъзоларини ҳам тиндирмади. Хотини, 6 ўғил, 4 қизи билан кеч кузгача тер тўкишди.

Биринчи йилдаёқ, фермер хўжалиги энг юқори натижага эришди. Шу-шу Нурилла бобо биринчи бўлишга одатланди. Ўтган йили ҳам октябрь ойидаёқ йиғимтеримни тугаллаб, ҳаммадан бурун ерини шудгорлаб қўйди. Кузги донни ҳам биринчи бўлиб экди. Ҳозир пайкалларини кўрсангиз, ҳавасингиз келади.

(Давоми иккинчи бетда)

Tahlil va saboq

ҚОНУННИ БИЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

Маълумки, буғдойнинг «Чиллаки» нави тезпишар саналади. Айниқса, Сирдарё томонларда май ойининг охири, июн ойининг биринчи кунларида «Чиллаки» навли буғдой эккан деҳқон ҳосилни йиғиштириш тараддудини кўрмаса, пишиб етилган дон ерга тўкилиб кетади. Яна бир жиҳати шундаки, ер қизий бошлагач, бегона ўт амал қилади. У ҳам ҳосилни йиғиштириб олишга тўсқинлик қилиши мумкин.

«Узоқ бобо» фермер хўжалиги раҳбари Ш.Сайфуллаев тезпишар нав буғдойнинг бир миқолини ҳам нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш тараддудини кўрганди. Шу мақсадда у шу йилнинг 11 май куни Сирдарё тумани машина-трактор парки акциядорлик жамияти билан **«Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга хизматлар кўрсатиш ва механизация ёрдамида ишлар бажариш»** юзасидан шартнома тузди. Шартноманинг 3,4-бандида «Буюртмачи» олдиндан 15 фоиз ҳақ тўлаши, қолган қисмини хизмат кўрсатилгандан кейин тўқсон кунлик муддатда ҳисоб-китоб қилиш, «Бажарувчи» эса 10 гектар ер майдонидаги ғаллани 428 минг 700 сўм эвазига ўриб бериш мажбуриятини олди.

Ш.Сайфуллаев шартнома расмийлаштирилган кунларнинг ўзидаёқ машина-трактор парки акциядорлик жамияти ҳисоб рақамига 9-сонли тўлов топшириқномаси билан шартномадагидан 71 минг сўм зиёд — 500 минг сўм пул маблағи ўтказди. 19 май куни 10 гектар майдондаги ғаллани 1 июндан бошлаб ўриш, агар бу иш кечикса, бегона ўт босиб кетиши мумкин эканини билдириб, 7-сонли буюртманома беради. Акциядорлик жамияти томонидан буюртманома қабул қилиб олинади.

Қисқаси, келишилган кун Ш.Сайфуллаев дала бошидан бир қадам ҳам нари кетмади. У ўрим кобайнини кутади. Комбайндан эса дарак йўқ. Фермер иккинчи марта 3 июн куни 9-сонли буюртманома ёзиб, яна акциядорлик жамияти томон йўл олди. Хуллас, фермер хўжалиги даласига 6 июн куни ғалла ўриш комбайни келади. Бироқ бор-йўғи 6 гектар майдондаги ғаллани ўргач, «бегона ўт ҳалал беряпти» деган важ-карсон билан комбайн кетиб қолади. Фақат Ш.Сайфуллаев қайта-қайта мурожаат қилгач, 4 гектар майдондаги ғалла 16 июн куни ўриб олинди.

(Давоми иккинчи бетда)

Tahlil va saboq

ҚОНУННИ БИЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Фермер хўжалиги раҳбарининг буюртманомаси бўйича агар 1 июнь куни барча майдондаги ҳосил ўриб олинганида ҳар гектар майдондан 28,5 центнердан, жами 28,5 тонна дон йиғиштириб олинган, шартномавий режа эса 114,5 фоизга уддаланган бўларди. Чунки 6 июнь куни ўрилган майдоннинг ҳар гектаридан 28,5 центнердан ҳосил олинган. Ўрими кечиктирилган 4 гектар ғалла майдонидан эса жами 1822 килограмм ҳосил йиғиштириб олинган. Оқибатда...



Гап шундаки, фермер хўжалиги билан «Оқ-олтиндон» акциядорлик жамияти ўртасида 2005 йилнинг 17 сентябрида 794-сонли контрактация шартномаси тузилганди. Шартномага кўра, фермер хўжалиги 24,9 тонна ғалла топшириши лозим эди. Аммо машина-трактор парки акциядорлик жамияти мутасаддиларининг масъулиятсизлиги боис 7 гектар майдондаги ҳосил салмоғи кескин пасайди. Натижада «Оқ-олтиндон» акциядорлик жамиятига фермер шартномада кўзда тутилганидан 5,9 тонна кам — 19 тонна дон топширди. Шартномавий режа 72,3 фоизга бажарилди, холос.

Хўш, бундай вазиятда қандай йўл тутиш керак?

«Оқ-олтиндон» акциядорлик жамияти билан тузилган контрактация шартномасининг 4,8-бандининг 2-қисмида **«Хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг айби билан «Хўжалик»» томонидан шартнома бажарилмаслиги натижасида етказилган зарар ушбу ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда қопланиши»** қайд этилган. Фермер хўжалиги раҳбари шартноманинг ана шу шартига таяниб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Ўз навбатида вилоят адлия бошқармаси ҳақиқий аҳволни ўрганиб чиқиб, топширилмаган 5,9 тонна буғдойнинг қиймати бозор нархи 944 минг сўмни ташкил этади, деган тўхтамга келди. Ва вилоят хўжалик судига Сирдарё тумани машина-трактор парки акциядорлик жамияти ҳисобидан «Узоқ бобо» фермер хўжалиги фойдасига 944 минг сўм етказилган зарарни ундириш тўғрисида даъво аризаси киритди.

Ўз навбатида вилоят хўжалик суди даъво талабини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Суд харажатлари ва давлат божи ҳам жавобгар зиммасига юклатилди.

Хулоса ясашга шошилмай, яна ғалла ўрими билан боғлиқ иккита ҳолатга қисқача тўхталсак.

«Муҳиддин Рўзиқулов» фермер хўжалиги ҳам Сирдарё тумани машина-трактор парки акциядорлик жамияти билан ғалла ҳосилини ўриб бериш юзасидан шартнома тузган эди. Фермер хўжалиги 24 гектар майдонда ғалла ундириб, акциядорлик жамияти билан унинг 5 гектарини ўриб беришга шартнома имзолаган. 19 гектардаги ғаллани ўриш учун эса шартнома тузилмаган. Фермер хўжалиги раҳбари И.Рўзиқулов 2006 йилнинг 29 июнида машина-трактор парки акциядорлик жамиятига ўриш комбайни сўраб, буюртма берган. Томонлар ўртасида тузилган шартноманинг 4,7-бандига асосан ғалла экилган ер майдонидаги ҳосил буюртманома келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида ўриб берилган. Фермер хўжалиги барча ғалла майдони ҳосилини ўриш учун шартнома тузганида, буюртманомани эртароқ берганида ҳеч қандай муаммога ўрин қолмасди.

Мирзаобод туманидаги «Элназар» фермер хўжалиги раҳбарининг туман машина-трактор парки акциядорлик жамияти шартнома шартларини бажармаганлиги юзасидан адлия бошқармасига қилган мурожаатини ўрганиш жараёнида бошқа бир манзарага дуч келинди.

Гап шундаки, ғаллани ўриб бериш юзасидан тузилган шартноманинг тегишли бандига кўра, фермер хўжалиги режалаштирилган иш ҳажмининг 15 фоизи миқдорида акциядорлик жамиятига олдиндан ҳақ тўлаши керак эди. Бироқ «Элназар» фермер хўжалиги акциядорлик жамиятига 2005 йил ҳисобидан кредитор қарз бўлган. Буниси етмагандек, 2006 йилда тузилган шартнома бўйича тегишли 15 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўламаган. Ахир, ҳозирги пайтда ҳеч ким бировнинг хизматини ўз ҳисобидан текинга қилиб бермайди-ку?!. Бундай ҳолатда фермернинг ҳамкорини шартнома шартларини бажармаганликда айблаши ноўрин.

Юқоридаги ҳолатларга таяниб, шуни хулоса қилиш мумкинки, қонунни билган ютқазмайди. Қонунни билмаслик ёки унга эътиборсизлик қимматга тушади.

Комилжон БОТИРОВ,
ҳуқуқшунос,
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Bugunning gapi

ЭЛГА РИЗҚ УЛАШИБ...

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бугунги кунда қишлоқдаги энг муҳташам иморат, «Нексия», «Матиз», «Дамас» русумли енгил машиналар, яйловлардаги сурув-сурув қўйлар — булар бари Нурилла бобога тегишли.

— Ғойибдан пайдо бўлгани йўқ булар, — дейди Нурилла бобо. — Меҳнатнинг орқасидан келган даромадлардан.

Ўғилларим Ғанишер, Аъзам, Абдувоҳиднинг қадоқ қўллари билан қилинган меҳнатлари маҳсули. Яхши ишлаган яхши яшаши ҳам керак-да.

Фермер хўжалиги ўтган йилни 37 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Нурилла бобо битта трактор сотиб олди, ортган маблағга болаларга иморат қурдирди. Миришкор деҳқон ҳалол меҳнатидан топган даромадига пахта терадиган, дон йиғадиган комбайнлар, «Олтой» трактори сотиб олди.

Унинг бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил кўтаришига асос бор. Катта ўғли Ғанишер, ўртанчаси Аъзам мустақил фермер хўжалиги ташкил этишган. Бирининг 70, иккинчисининг 30 гектар ери бор. Бобо ўғилларини ёлғизлатиб қўймайди, ерини ҳайдаб, техникадан ёрдам қилади.

Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар Нурилла бобонинг назаридан четда қолмайди. Байрам, ҳайит кунларида бобо уларни йўқлаб туради. Мустақиллик байрами арафасида кам таъминланган оилаларга ўз ҳисобидан ёғ тарқатди, катта дошқозонда ош дамлатди. Қишлоққа кираверишдаги 3 чақиримча йўлга асфальт ётқизди. Ҳозир қишлоқ хонадонларига табиий газ келтириш мақсадида ҳаракат қилиб юрибди.

— Армонингиз борми? — сўрайман Нурилла бободан.

— Йўқ, қизим. Оддий деҳқон учун бундан ортиқ яна не керак. Яратганга шукр, ўтаётган умримдан розиман. Қурбим етганича одамларга яхшилик қилсам, дейман.

Ҳаёт қизиқ, баъзи кишиларни узоқ йиллардан бери танийсану, бироқ юрагингга яқин ололмайсан. Баъзилар бир кўришдаёқ юрагингдан ўрин олади. Мен Нурилла бобо сиймосида ўзбекнинг тантилиги-ю, бағрикенглигини, меҳнаткашлигини кўрдим. Эҳтимол, шу боис отахон қалбга яқин, қадрдон инсондек менда таассурот қолдирди.

Ойдин АНОРОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Islohot va mas`uliyat

ФЕРМЕРЛИК ЛОҚАЙДЛИКНИ КЎТАРМАЙДИ

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фермер хўжаликлари эркин фаолият юритиши барча шарт-шароитларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонида фермер хўжаликларининг истиқболини кафолатлайдиган ишончли тизимни шакллантиришга алоҳида урғу берилгани ҳам бу фикрнинг яққол тасдиғидир.

Навоий вилоятида мазкур Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда ишни ташкил этиш натижасида қатор муваффақиятларга эришилмоқда. Айниқса, вилоятда ғаллачиликни ривожлантиришда бу ҳол яққол кўринмоқда. Жорий йилда давлатга 81.400 тоннадан зиёд дон етказиб берилиб, ғалла тайёрлаш шартномавий мажбуриятлари ортиғи билан адо этилиши ҳам ана шу масъулият самарасидир. Вилоят бўйича ўртача 43 центнердан ҳосил олинди. Энг муҳими, топширилган ғалланинг 88 фоизи 3384 та фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келгани кишини қувонтиради. Ва ўз навбатида, одамлар дунёқарашида ерга эгалик ҳисси шаклланиб, ютуқлар гарови бўлаётганидан далолат беради, албатта. Мисол учун Қизилтепа туманидаги сенатор Раъно Валиева раҳбарлик қилаётган «Валиобод», «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги, Хатирчи туманидаги «Гўзал Маржона», «Эшпўлат Ғулом», «Фидокор», Навбаҳор туманидаги «Мадамин Муслим», «Ньюагросистем», Карманадаги «Фахриддин ва укалари» фермер хўжаликлари юқори кўрсаткичларга эришишди. Ҳар гектар ғалла майдонидан 65 центнердан ҳосил олинди.

Албатта, киши бундай қувончли натижалар ҳақида ўйлаганда, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак натижасини бераётганини, бунёдкорлик ва яратувчилик халқимиз турмуш тарзига айланиб бораётганига ишонч ҳосил қилади.

Бироқ ҳаётда яратилган шарт-шароитлардан тўлиқ фойдаланмайдиган, ернинг умрини бекорга ўтказадиган фермерлар ҳам йўқ эмас.

Фермер хўжаликларининг оғирини енгил қилиш мақсадида «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари томонидан минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар ўз муддатида етказиб берилганига қарамай хўжаликлар билан тузилган 3365 та шартномадан 398 таси бажарилмай қолган. Ёки давлат эҳтиёжлари учун 3630 тонна бошоқли дон етиштириб берилмади. Прокуратура идоралари томонидан 68 та режани бажармаган фермер хўжаликларига огоҳнома киритилди. 5 та жиноий иш қўзғатилди. Вилоят адлия бошқармаси томонидан эса шартномани бажармаган ва ҳатто «Навоийдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятидан олинган уруғлик қийматини қопламаган 120 та фермер хўжаликлари устидан вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Бундай ҳолатга йўл қўйган Хатирчи туманидаги 69 та фермер хўжалигига 44. 549.030 сўм, Кармана туманидаги 31 та фермер хўжалигидан 10.042.807 сўм, Нурота туманидаги 20 та фермер хўжаликларига нисбатан 3.511.202 сўм «Навоийдонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти фойдасини кўзлаб асосий қарз ва жарималарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаларининг аксарияти, аниқроғи, 185 таси қаноатлантирилди. Бугунги кунда яратилган имкониятларни бой бераётган, ерни ўз мулки деб қараш, ардоқлаш ўрнига уни ташлаб қўйган хўжаликларнинг хатти-ҳаракатини ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди.

Энг муҳими, бугун тадбиркорлик фаолияти, фермерлик ҳаракатига иқтисодий тараққиётимиз таянчи, фаровонлигимиз манбаи, деб қаралаётган экан, бу борада масъулиятни чуқур ҳис этиб, фаолият юритиш, ташаббус ва фидойилик кўрсатиш ҳам қарз, ҳам фарз.

Сайёра ЖУМАНОВА,
Навоий вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Qonun ko`magi

ХАТОНИНГ ИЛДИЗИ

Мамлакатимизда истиқлол йилларида ҳар бир соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Аниқроқ айтганда, ҳуқуқий-демократик давлат, эркин, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида тенгсиз ўзгаришлар юз кўрсатиб бормоқда.

Албатта, халқимиз ўз олдига қўйган буюк мақсадга эришиш учун аввало, ҳар биримиз амалдаги қонунларни хурмат қилишимиз, уларга бўйсуниб яшашимиз керак. Айниқса, мутасадди раҳбарлар томонидан қабул қилинадиган қарор ва бошқа ҳужжатлар қонун меъёрларига тўлиқ мос бўлиши шарт. Ҳолбуки, ноқонуний қарорнинг умри қисқа бўлади.

Янгиобод туманининг Хўжамушкент қишлоғида яшовчи М.Гулмуродов деҳқон хўжалиги юритиш учун ер майдони ажратишларини сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилган. Туман ҳокимининг кўрсатмаси билан унинг аризаси мутасаддилар — Т.Турдиқулов ва Э.Обидовга кўриб чиқиш учун берилган. Аслида эса туман ҳокимлигига келиб тушган ҳар қандай ёзма мурожаат кирим қилиниши, сўнг туман ҳокимининг имзоси билан ўрганиш, ижросини таъминлаш учун мутасаддиларга берилиши керак.

Бироқ М.Гулмуродовнинг аризаси туман ҳокимлигининг умумий бўлимида кирим қилинмаган. Бунинг устига ер ажратиш туман комиссиясида ҳам кўриб чиқилмаган. Лекин амалдаги тартибларга зид равишда 2005 йил 12 декабрдаги 473-сонли қарори билан М.Гулмуродовга деҳқон хўжалиги юритиш учун ер майдони ажратилган. Шу тариқа туманнинг Феруз қишлоғида яшовчи М.Жўраев ва Ў.Жўраевга ҳам қонунга зид равишда деҳқон хўжалиги юритиш учун ер майдони ажратиб берилган.

Аслини айтганда, фермер хўжалигига ер ажратиш қатъий қонун талабларига кўра амалга оширилади. Яъни бу масала Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 18 ноябрдаги буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 19 ноябрда давлат рўйхатидан ўтказилган **«Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида»**ги Низомга асосан амалга оширилади. Бироқ туманда мазкур Низом талаблари қўпол равишда бузилган. Заҳирадаги ер майдонлари тендер танлови асосида эмас, балки «Холиқов Сухроб», «Тоҳир-Т», «Жавлон Раҳмонқулов» фермер хўжаликлари раҳбарлари аризаларига кўра, ажратиб берилган.

Адлия бошқармасининг тақдимномасидан сўнг юқорида қайд этилгани сингари ноқонуний қарорлар бекор қилинди, фермойишлар қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилди. Тақдимномада кўрсатилган хато-камчиликларга йўл қўйганликлари учун туман ҳокимлиги умумий бўлим бошлиғи О.Останқулов, ҳоким ўринбосари вазифасини бажарувчи И.Файзибоев, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Э.Обидовларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Шу билан масала ечим топгандай, хато тузатилгандай туюлади. Аслида ҳам шундай. Фақат...

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, туман ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги **«Ижро интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги, шунингдек, 1999 йил 29 мартдаги **«Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»**ги қарорлари талабларига риоя қилинмаган.

Хулоса шуки, қонун талаби бузилган жойда, албатта, ортиқча сарсон-саргардончилик, лоқайдлик ва эътиборсизлик келиб чиқади. Бундай хато ва камчиликларга йўл қўйилишининг бошқа сабаблари ҳам йўқ эмас. Аниқроқ айтганда, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув идоралари ва корхоналарида юридик хизмат тўғрисида»**ги Низомга кўра, давлат бошқарув идоралари ва корхоналарида ҳуқуқшунос-маслаҳатчи фаолият кўрсатиши керак. Янгиобод туман ҳокимлигида ҳам худди шундай ҳуқуқшунос-маслаҳатчи бўлиши лозим. Афсуски, ҳокимликда иш ўрни бор, бироқ унда ҳеч ким ишламайди. Агар ҳуқуқшунос-маслаҳатчи фаолият юритганда эди, юқорида баён этилганидек, ноқонуний қарорлар қабул қилинишининг олди олинарди. Чунки ҳуқуқшунос-маслаҳатчи, Низом талабига кўра, қабул қилинаётган қарор ва фармойишларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказади.

Ихтиёр ХЎРОЗОВ,
ҳуқуқшунос

Muloqot

«ОМОНАТ ДАФТАРЧАМНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙДИМ»...

— Яқинда тасодифан банкда пул маблағи қўйилгани тўғрисидаги омонат дафтарчамни йўқотиб қўйдим. Банкка борсам, омонат дафтарчасиз, пулни бермасликларини айтишди. Нима қилишни билмай бошим қотиб қолди.

Айтинг-чи, бундай вазиятда қандай йўл тутишим керак?

Н.КАРИМОВА,
Вобкент тумани

— Бундай вазиятда сиз аввало, ўзингиз яшаб турган туман ёки шаҳардаги фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этасиз. Чунки Фуқаролик-процессуал кодексининг 301-моддасига мувофиқ, шахс пул маблағлари қўйилганлиги ҳақида ёки қимматли нарсалар ёхуд давлат заёми облигациялари сақлаш учун топширилганлиги тўғрисида банк томонидан тақдим этувчига берилган қийматли ҳужжатни йўқотган тақдирда, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда, суддан йўқолган ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб топиш ва бу борадаги ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида илтимос қилиши мумкин.

Шунингдек, берилаётган аризада ҳужжат қандай вазиятда йўқолганлиги, тақдим этувчига, деб ҳужжат берган муассасанинг, ҳужжатнинг номи кўрсатилиши, ҳужжатнинг алоҳида белгилари ва йўқолган ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги илтимос баён қилиниши керак.

УЙ РЎЙХАТИДАН ЎЧИРИШ МУМКИНМИ?..

— Бундан 3 йил аввал бир танишимнинг уйини сотиб олган эдим. У вақтинча уйда рўйхатда туришини, бошқа уй сотиб олгандан сўнг рўйхатдан чиқиб кетишини айтган эди. Бироқ икки-уч йил ўтганига қарамай, у рўйхатдан чиққани йўқ. Бунинг устига мен танишим ва унинг оила аъзолари учун ҳам коммунал тўловлар тўлаб келаяпман. Айтинг-чи, мен уларни қандай қилиб уй рўйхатидан чиқарсам бўлади?

М.РАШИДОВ,
Тошкент шаҳри

— Бу масала судда қонуний ечимини топади. Яъни сиз ўзингиз яшаб турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича судига уй рўйхатидан ўчиришини сўраб мурожаат қилишингиз керак.

Чунки фуқаро (уй) сотиб олишда энг аввало, амалдаги қонун талабларига амал қилиши керак. Квартирага эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга киришгач, турар жойнинг собиқ эгаси ва унинг оила аъзолари бу турар жойни бўшатиб қўйгандан сўнг уларни турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш тўғрисида даъво билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Бу борадаги талаблар суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиши уйни ўзга шахсга ўтказган ва бўшатиб берган турар жойнинг собиқ эгаси ва унинг оила аъзоларини турар жой рўйхатидан ўчириш учун асос бўлади.

ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ БЕРИЛАДИ

— Тақдир экан, ўртанчи фарзандим ногирон туғилди. У ҳали вояга етгани йўқ. Шунинг учун у алоҳида эътибор ва парваришни талаб қилади. Шу маънода мен иш жойимдан қўшимча таътил олишим мумкинми?

О. ЙЎЛДОШЕВ,
Иштихон тумани

— Ҳа, сизга қўшимча таътил берилади. Бу ҳақда Меҳнат кодексининг 232-моддасида қайд этилган. Ушбу моддага мувофиқ, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга, уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календар кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ундан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб) фойдаланиши мумкин.

- муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;

- ўриндошлик асосида ишлаётганларга асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда;

- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътилларини, имтиҳонлар, синовлар (зачётлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғирлаб олишни хоҳласалар;

- технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга (100-моддaнинг иккинчи қисми 1-банди).

Мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар, ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўланган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади.

Таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим.

Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра, жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан, унинг ўн икки иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта, фойдаланиш лозим.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга йиллик таътилни, шунингдек, ушбу кодекснинг 137-моддасида кўрсатилган қўшимча таътилларни бермаслик таъқиқланади.

Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллар жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади.

МАШИНАГА БЕЗАК БЕРИШ ТАЪҚИҚЛАНГАНМИ?

— Баъзан кўчада ойналари қора рангга бўялган автомашиналарига кўзимиз тушиб қолади. Эшитишимча, машинага бундай «безак» бериш таъқиқланган экан. Бунинг учун қонунда ҳам бундай ҳолатларга бирор-бир жавобгарлик белгиланганми?

З.ЎРАҚОВ,
Пскент тумани

— Ҳа, жавобгарлик белгиланган. Жумладан, **«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»**ги кодекснинг 126-моддасида кўзгусимон ва туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойналар ўрнатилган транспорт воситасидан фойдаланганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддага асосан, кўзгусимон, шунингдек, тегишли давлат стандартларида белгиланган меъёрларни бузган ҳолда, тайёрланган туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш;

- энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Бундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан сўнг бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,

- энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди

Кейинги йилларда иқтисодиётни барқарорлаштириш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Айни пайтда аҳолининг мулкдор бўлишга интилиши ортиб, ташқи ва ички инвесторларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига қизиқиши кучайиб бормоқда. Бунинг натижасида мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳимоялаш бўйича нотариал идораларга мурожаатлар сони ортиб, нотариат фаолиятининг кенгайишига олиб келмоқда. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июндаги «Нотариал ишларни бажарганлик учун давлат божи ставкалари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилингач, нотариал хизматга талаб янада ортди.

Sharh

НОТАРИАЛ ХИЗМАТ:

ҚУЛАЙЛИК ВА ИМКОНИЯТ

Нотариат фаолиятини янада такомиллаштириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатларини камайтириш, тадбиркорликни юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тураржой бозори ривожини рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган ушбу қарорга асосан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 4-бандига ўзгартиришлар киритилди. Натижада давлат божлари миқдорини кескин камайтирган ҳолда барча учун нотариал хизматдан кенг фойдаланишга имкон яратилди.

Хусусан, квартиралар, шу жумладан, хусусийлаштирилган квартиралар (квартираларнинг бир қисми), далаҳовлилар, гараж, бошқа биноларнинг ва иморатларнинг олди-сотди, алмаштириш, рента олиш, умрбод таъминлаш шарти билан бошқаларга ҳадя қилиш шартномаларини:

- мулкдорнинг хотинига (эрига), уларнинг ота-оналарига, болаларига, набираларига, бувиларига, туғишган ака-укалари ва опа-сингилларига тасдиқланганлик учун – 1 кв.м. майдон учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида;

- бошқа жисмоний ва юридик шахсларга тасдиқланганлик учун — 1 кв.м. майдон учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида давлат божи ставкалари белгиланди.

Аввал айни шундай ҳаракатни бажарганлик учун шартнома баҳосининг 1 ва 10 фоизи миқдорларида давлат божи ундирилар эди. Кўриниб турибдики, янги ўзгартиришларга кўра, турар-жойлар ва бошқа кўчмас мулкларни тасарруф этиш шартномаларини нотариал тасдиқланганлик учун ундириладиган давлат божлари миқдори кескин даражада камайган.

Автотранспорт воситаларини тасарруф этиш шартномаларини нотариал тасдиқланганлик учун ундириладиган давлат божлари миқдори ҳам сезиларли даражада камайтирилди. Яъни юк ташувчи ва енгил автотранспорт, шу жумладан, автобус, трактор, ўзи юрар машина учун фойдаланиш муддатига қараб: фойдаланиш муддати 3 йилгача бўлган автотранспорт воситасига (ҳар бир от кучи учун) энг кам иш ҳақининг 7 фоизи миқдорида, фойдаланиш муддати 7 йилдан ортиқ бўлганда (ҳар бир от кучи учун) энг кам иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланган. Аввал шу турдаги ҳаракатни бажарадиган автотранспорт воситаси учун фойдаланиш муддатларига қараб (ҳар бир от кучи учун) энг кам иш ҳақининг 20,15 ва 10 фоизи миқдорларида давлат божи ундирилар эди. Фақат чет элда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларини тасарруф этиш шартномаларини тасдиқлаш учун олдинги ставкалар миқдори сақлаб қолинган.

Фуқаролар томонидан энг кўп амалга ошириладиган нотариал ҳаракат — бу автотранспорт воситаларидан фойдаланиш учун бериладиган ишончномаларни нотариал тасдиқлашдир. Бундай ҳаракатларни амалга оширганлик учун давлат божи ставкаларига қуйидагича ўзгартиришлар киритилди:

- ота-она, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болалар ва уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, жиянларига автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаш учун энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдорида (аввал шу ҳаракат учун энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорида давлат божи ундирилган), автомототранспорт воситаларини бошқа шахслар тасарруф этиши ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаш учун энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида (аввал шу ҳаракат учун энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида давлат божи ундирилган) давлат божи ундирилиши белгиланди.

Бунда аён бўлаётирки, автомототранспорт воситаларини тасарруф этиш шартномаларини ва улардан фойдаланиш учун бериладиган ишончномаларни тасдиқлаш учун давлат божи ставкалари икки баробарга қисқартирилди. Уй-жойлар, квартиралар ва бошқа кўчмас мулкларни тасарруф этиш шартномаларини тасдиқлаш учун эса ундириладиган давлат божи миқдорида беш-ўн ва ҳатто ундан ҳам ортиқ даражада камайтирилди.

Бу қулайлик ва имкониятлар ҳукуматимиз томонидан аҳоли турли қатламларининг нотариал хизматлардан кенгроқ фойдаланишига имкон яратилаётганини ва пировардида фуқароларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган ҳуқуқ ҳамда манфаатларини нотариал ҳаракатларни қулай тарзда амалга ошириш йўли билан ҳимоялаш кучайтирилаётганини кўрсатади.

Козим КОМИЛОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи



Юрт манзаралари

Faoliyat

ДЕПАРТАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

ҳуқуқ ва бурч масъулияти

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги солиқ соҳасидаги қонунбузилишларига қарши тезкор курашиш бош бошқармаси базасида Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди.

Мазкур қарорга биноан, Департамент Бош прокуратура ҳузуридаги ихтисослаштирилган мустақил орган ҳисобланиб, солиқ интизомини мустаҳкамлаш соҳасида тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини амалга ошириш, солиққа оид жиноятлар ва қонунбузилишларига қарши курашиш, давлатга етказилган иқтисодий зарарни ундириш унинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги **«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига асосан, Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаментига айлантирилди. Ушбу қарорга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги қарори билан илгари тасдиқланган вазифаларига қўшимча равишда, Департаментга ва унинг ҳудудий бўлинмаларига валютага оид жиноятларга қарши курашишни кучайтириш бўйича қуйидаги вазифалар юклатилди:

- хорижий валюта маблағларининг четга чиқиб кетиши йўлларини, уларнинг ноқонуний айланишини, хорижий валютани сотиш бўйича мажбуриятлардан бош тортиш ҳолларини аниқлаш бўйича тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ўтказиш;

- Республика ҳудудида резидентлар ва норезидентлар томонидан хорижий валютада иш ҳақи тўлаш ва ҳисоб-китоб қилиш ҳолларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш;

- хорижий валютадаги тўловларнинг амалга оширилиши қонунийлигини, валюта операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларнинг тўлиқлиги ҳамда холислигини текшириш;

- норматив-ҳуқуқий базани, аввало, валюта алмаштириш операциялари, шунингдек, валюта маблағларини ноқонуний олиб келиш ва олиб чиқиб кетишга доир қонунбузилишларининг олдини олиш профилактикасига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, таклифлар тайёрлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ўтказилаётган хорижий валютадаги операциялар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, улар билан ишлаш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш;

- валюта соҳасидаги қонунбузилишлари ва уларни содир қилган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган ҳисобини юритиш, ушбу маълумотларнинг компьютер базасини яратиш;

- хорижий валютани сотиб олиш ва импорт-экспорт ҳамда воситачилик операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ валютага оид қонунбузилишларини таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан валютани тартибга солиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилишни ва ахборотлар алмашишни амалга ошириш, бунда жиноий йўллар билан олинган даромадларнинг қонунийлаштирилишига қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор бериш.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mitti maslahat

НИКОҲ ГУВОҲНОМАСИНИ ТИКЛАШ ТАРТИБИ

Агар сизнинг никоҳ гувоҳномангиз йўқолган ёхуд яроқсиз ҳолга келиб қолган бўлса, ташвишга тушишингиз табиий. Бундай вазиятда қандай қонуний йўл тутиш Оила кодексида ўз ифодасини топган. Хусусан, кодекснинг 230-моддасида фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини тиклаш ҳақида сўз юритилган. Унга кўра, фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини тиклаш деганда, илгари шундай ёзув бўлганлигини тасдиқловчи етарли асослар бўлганда, уларни қайта тиклаш тушунилади.

Шунингдек, тикланиши лозим бўлган далолатнома ёзуви кимга нисбатан тузилган бўлса, фақат шу шахснинг доимий яшаб турган жойидаги ФҲДЁ идорасига далолатнома ёзувини тиклаш ҳақида ариза берилади.

Далолатнома ёзувини тиклаш ҳақида ариза белгиланган шаклда бўлиб, унда аризачи тўғрисидаги автобиографик маълумотлар: фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, санаси ва туғилган жойи, ота-онаси, никоҳи, болалари ҳақида маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Далолатнома ёзувини тиклаш ҳақидаги аризага паспорт нусхаси, аризачининг ота-онасини тасдиқловчи ҳужжатлар (булар ота-онанинг паспортлари, агар улар вафот этган бўлса, ўлим ҳақидаги гувоҳномалари), ака-укаларининг туғилганлиги ҳақида гувоҳномалари, уй дафтаридан кўчирма илова қилинади.

Аризачининг ота-онаси ҳақидаги маълумотлар аниқ бўлмаган ҳолларда, туғилганлик ҳақида тикланган далолатнома ёзувида ота-она ҳақидаги маълумотлар устуни очиқ қолдирилиб, чизиқча қўйилади, онанинг миллати ёзиладиган устун эса аризачининг ҳужжатлари асосида тўлдирилади.

Qilmish-qidirmish

ТЎҒРИ ЙЎЛДАН ТОЙГАНЛАР

Ҳаётда ҳар бир инсон ўзига муносиб касб-корни эгаллаши керак. Бунга ёшликдан жазм этганлар ҳечам адашмайди. Олақарга мисол бир чўқиб, ўн бор аланглаб, қинғир ишларга тирикчилигини боғлаганларнинг борар манзиллари эса тайин: қилғиликлари фош бўлган кун афсус-надоматларининг чеки бўлмайди. Ҳаётда бунга мисоллар йўқ эмас.

Чет эл валютасини қонунга хилоф равишда сотиш жиноят эканини билмайдиган ақли расо одам топилмаса керак. Бироқ бозорлар эшиги олдида, пана-пастқамларда: «Доллар оласизми?», — деб жавраб турган кимсаларга кўзингиз тушгандир? Улар ўз қилмишларини ўзларича «тирикчилик» ёки «ҳожатбарорликка» йўйишади. Аслида, бу тўғри йўл қолиб, эгри йўл — енгил-елпи пул топишга ружу қўйишдан бошқа нарса эмас.

Қўлини совуқ сувга уришни истамайдиган Фахриддин Арзиев Қарши шаҳридаги Янги бозор билан Марказий универсал магазини оралиғидаги серқатнов йўлакда кўзлари олма териб, турганида М. исмли аёлга дуч келди. Бу аёл ҳам давангир йигитнинг «кори-ҳоли»га бошқалар қатори бефарқ қараб, «бор-э», деб қўл силтаб ўтиб кетавериши мумкин эди. Бироқ М. унинг ёнидан ўта туриб, ўйлаб қолди: «Ахир, бу қонунга хилоф-ку, уларни бу йўлдан ўзимиз, жамоатчилик, кўпчилик бўлиб қайтармасак, ким қайтаради?» — деган фикрга борди. Аёлнинг Қашқадарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ Департаментига мурожаат этиб ёзган аризаси бўйича ўтказилган рейд давомида М. исмли аёл Фахриддинга учрашиб, 600 АҚШ доллари сотиб олмоқчи эканини айтди. Савдо пишгач, Фахриддин аёлга 600 долларнинг ҳар 100 долларини 127 минг сўмдан нархлаб, жами 762 минг сўмни қуртдай санаб олди. Аёл Фахриддинга яна 600 доллар кераклигини айтганида, дангал харидор топилганидан қувониб кетган чайқовчи қайгадир зипиллаб бориб келди-ю, айтилган долларни муҳайё қилди. У харидордан олган сўмни санаётганида департамент ходимлари қўлига тушди.

Бошқа бир фуқаро А.Н. Қарши шаҳридаги «Буюм бозори» ёнидан ўтиб кетаётганида Азим исмли йигитча доллар сотишни айтиб қолди. А.Н. кечга яқин пул олиб келиб, доллар сотиб олишини Азимга айтгач, вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ Департаменти бошқармасига мурожаат қилди. Унинг аризаси бўйича, икки нафар гувоҳлар иштирокида департамент ходимлари назорат тартибида валюта сотиб олиш режасини тузишди. Азим Алиқулов фуқаро А.Н.га 900 АҚШ долларининг ҳар 100 долларини 127 минг сўмдан ҳисоблаб, жами 1 миллион 143 минг сўмга сотаётган вақтда ушланди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди ҳар икки жиноий қилмишни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиб, Арзиев Фахриддинга Жиноят кодексининг 177-моддаси, 2-қисми «б» банди билан энг кам ойлик иш ҳақининг 75 баравари миқдорида жарима жазосини тайинлади ва ашёвий далил сифатида олинган 1200 АҚШ доллари давлат ҳисобига ўтказилди. Осон йўл билан фойда кўрмоқчи бўлган Азим Алиқуловга нисбатан эса, Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланди ва у энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида жарима жазосига тортилди. Ашёвий далил сифатида 900 АҚШ доллари давлат фойдасига ўтказилди.

Айни бир касбнинг бошини ушлайдиган навқирон ёшда қонунан таъқиқланган қилмишга қўл уриб, енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юришга ўрганган бу йигитларнинг на жамиятга, на юртга нафи тегади. Ҳаром-хариш йўллар билан вақтинча топган тўрт танга пули эса оиласига ёки ўзига ҳеч юқмаслиги тайин. Тўғри йўлдан тойиб, ҳалол меҳнатдан қочиб, пана-пастқамда тўрт тарафга аланглаб, ўзгаларни алдаб юрганини тушунтириб қўйиш эса маҳалла-қўйнинг, жамоатчиликнинг, аввало, ота-оналарининг вазифаси эканини унутмайлик.

Ғози РАҲМОН,
«Инсон ва қонун» мухбири

Hukmdan keyingi o`ylar

АДАШГАННИНГ АЙБИ ЙЎҚ, БИРОҚ...

Қадимий битиклардан тортиб бугунги кунга қадар яратилаётган энг жозибали асарлар аёл ҳақида, уларнинг гўзаллиги, вафо ва садоқати, бани башарнинг тимсоли янглиғ оиланинг яхлитлигини, инсоният бардавомлигини сақлаб келаётгани ҳақида. Зеро, аёл ана шундай юксак эъзоз ва эътиборга муносибдир. У бизнинг онамиз, опамиз, синглимиз, фарзандимиздир. Кўп минг йиллик тарихимизнинг олтин зарварақларига номлари муҳрланган Тўмарис, Сароймулкхоним, Зебунисо, Нодира ва Увайсийлар, бугунги кунда давлат ва жамоат ишларида, таълим-тарбия соҳаларида фаолият кўрсатаётган опа-сингилларимизнинг фидойи меҳнати таҳсинга лойиқдир. Зотан, улар юрт ва миллат фахри, ифтихоридир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, аёлларга бўлган эътибор тубдан ўзгарди, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш давлат аҳамияти даражасига кўтарилди. 1999 йил Ўзбекистонда Аёллар йили, деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита саъй-ҳаракатлари билан хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича дастурий ишлар режаси тузилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, Президентимизнинг **«Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони, **«Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»**ги қонун ва бошқа ўнлаб фармон ҳамда қарорлар эълон қилинди. Бир сўз билан айтганда, истиқлол йилларида аёлни улуғлаш — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғлаш билан тенг мавқени олди.

Бироқ гуруч қурмаксиз бўлмаганидек, турмушда ўз мавқе-мартабасини билмаган, кўнгил майлига кириб йўлидан адашган аёллар ҳам учраб туради. Аслида «жиноят» ва «аёл» сўзлари мисоли ернинг икки қутбидек бир-биридан жуда узоқ ҳамда бир-бирига мутлақо зид тушунчалар. Афсуски, гоҳида уларни қоришиқ ҳолда кўриб, ачинамиз, надомат чекамиз. Негаки, бешик тебратаётган аёлнинг қўли ўғирлик сари чўзилиши, гўдакка оқ сут бераётган аёлнинг ўзгалар мулкига кўз олайтириши, моҳиятан тириклик мантиғига зид ҳодисалар. Истиқлол берган эркинликдан юрт барқарорлиги йўлида фойдаланиш ўрнига қандайдир экстремистик оқимларнинг кўпик тўлқинида бир хас янглиғ оқиб бораётган кимсалар ўша улуғ эъзозга номуносибдир. Хўш, нафосат ва гўзаллик тимсоли бўлмиш баъзи аёлларнинг жиноят кўчасига кириб қолаётгани сабаблари нимада? Келинг, бу саволга баъзи бир ҳаётий мисоллар орқали жавоб топишга уриниб кўрайлик.

Тошкент шаҳар, Шайҳонтоҳур туманида яшовчи Муҳаррам Назарова 60 ёшни қоралаётганида суднинг қора курсисида ўтириб, қилмишлари учун жавоб беришга мажбур бўлди. Гап шундаки, М. Назарова хорижий мамлакатга ишга юбораман, деган алдов билан дастлаб фуқаро Озод Жўраевдан 3000 АҚШ долларини қуртдай санаб олиб, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборади. Товламачилик билан мўмай пул топишнинг ҳадисини олган бу аёл ҳамтовоқлари Ғ. Содиқова, Д. Аҳмаджонов ва Н. Ибатова билан жиноий тил бириктириб, хорижда ишлаб келиш истагида юрган саккиз нафар шахсни тузоққа илинтиришади. Ачинарли томони шундаки, Ж. Назаров 3500, Ҳ. Лутфуллаев 1400, С. Тошев 3500, М. Халилов 3400 АҚШ доллари ва 30 000 сўм, С. Жумаев 3500 АҚШ доллари ва 30 000 сўм, И. Ҳасанов 2800 АҚШ долларини фирибгар аёлга шундоқ санаб беришган-у, бироқ бирортаси лоақал М. Назаровадан ўзинг кимсан, қаерда ишлайсан, қандай йўл билан хорижга юборишинг мумкин, деб сўраб суриштирмаган. Иллатдан-иллат туғилади, деганларидек, бу фирибгарлик оқибатида қанча одамлар сарсон-саргардон бўлишди, асаблари бузилиб, қимматли вақтларини пуч ваъдаларга сарф этишди. Товламачиликни ўзига касб қилиб олган М. Назарованинг нафс қулига айланган ёши бир жойга бориб қолганида уни ана шундай иснодга дучор этди.

(Давоми тўртинчи бетда)

XXI АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

ИРОҚ: ХУНРЕЗЛИКНИНГ ЧЕКИ КЎРИНМАЙДИ

Ироқ ҳукумати тарқатган хабарга қараганда, мамлакатда сентябрь ойида қурбон бўлган тинч аҳоли вакиллари сони август ойидагига нисбатан 42 фоизга кўпайган. Аниқроқ айтганда, кейинги уч ярим йил ичида тинч аҳоли орасидан қурбон бўлганлар сони, тахминий ҳисоб-китобларга кўра, 43-48 минг нафарга етган. Фақат ўтган кунлар ичида Бағдодда шафқатсизларча ўлдириб кетилган 50 нафар кишининг жасади топилган.

Кеча эса Бағдод марказида қуролланган номаълум шахслар 14 нафар кишини ўғирлаб кетган. Ироқ ички ишлар вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари кийимини кийиб олган жангарилар электронтехника дўконига бостириб кириб, харидорларни асир олган. Якшанба куни эса Бағдоддаги озиқ-овқат фабрикасининг 26 нафар ишчиси гаровга олинган эди. Энг ёмони, гаровга олинганларнинг кейинги тақдири ҳақида бирон-бир маълумот йўқ.

Кеча АҚШ қўмондонлиги Ироқнинг Анбар вилоятида уч нафар ҳарбий ҳалок бўлгани ҳақида маълумот берган. Басрада эса Британиянинг бир нафар аскари ҳалок бўлган.

ВЕНГРИЯ: СИЁСИЙ БЎҲРОНЛАР

Венгрияда айни пайтга қадар бошқариб келган партия коалицияси маҳаллий ҳокимият сайловларида мағлубиятга учради. Сайлов бюллетенларининг 80 фоизи текшириб чиқилгач, ғолиб узил-кесил аниқ бўлди. Депутатлик мандатларининг аксариятини "ўнгчилар" вакиллари эгаллади. «НТВ»нинг хабар беришича, кўпчилик социалистлар ва демократларнинг мағлубиятини ҳукуматнинг, шахсан бош вазир Ференц Дюрчаннинг фаолияти билан боғламоқда. Нега деганда, ўтган ойда Будапешт кўчаларида оммавий норозилик намойишларига сабаб бўлган сиёсий бўҳроннинг асосий "қаҳрамонлари" ҳам айнан ҳукумат ҳамда бош вазирнинг ўзи эди. Муҳолифат вакиллари эса Вазирлар Маҳкамасининг истеъфосини талаб қилмоқда. Бироқ ҳокимиятдаги партия раҳбарлари ҳали маҳаллий ҳокимиятга сайловлар сиёсий йўналишни ўзгартириш учун асос бўла олмаслигини таъкидламоқдалар.



ФАЛАСТИН: ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

Мана, бир кундирки, Фаластин мухториятида оммавий тартибсизликлар тинмаяпти. Ҳукумат партияси фаоллари ҳамда мухолифат тарафдорлари, ўз раҳбарларининг хунрезликни тўхтатиш ҳақидаги мурожаатларига қарамай, отишмани давом эттирмоқдалар. Икки томондан ҳам қурбон бўлганлар бор. Сўнгги маълумотларга қараганда, 8 нафар киши ҳалок бўлган, ўндан ошиғи яраланган. Икки йирик партия - ХАМАС ва ФАТҲ фаоллари ўртасида қуролли тўқнашув давом этмоқда. Жанжални қайси тараф бошлагани аниқ эмас. Маҳмуд Аббос тарафдорлари мухториятнинг ички ишлар вазирини айбламоқда. Аммо шуниси аниқки, биринчи бўлиб икки тарафнинг хавфсизлик хизмати ходимлари тўқнашган. ХАМАС ҳарбийлари парламент биносини ҳимоя қилган, ФАТҲ фаоллари эса ҳукуматдан ойлик маошларни беришни талаб қилиб, ичкарига суқилиб киришга уринишган. Натижада кескин тўқнашув юзага келган ва у тез орада отишмага айланиб кетган. Фаластин мухториятининг бош вазири Исмоил Ханиянинг Ғазо сектори ҳамда Рамоллоҳ аҳолисини кўчалардан олиб кетишга ҳаракат қилди. У икки партия фаолларига мурожаат этиб, вазиятни тинч йўл билан ҳал қилишга даъват қилган. Вазирлар Маҳкамаси раҳбарини Маҳмуд Аббос ҳам қўллаб-қувватламоқда. Миллий маъмуриятнинг раиси ҳамда ФАТҲ раҳбари Маҳмуд Аббос тез кунлар ичида тартибсизликлар сабабини аниқлаб, айбдорларни жазога тортишга ваъда берди.

ТАИЛАНДДА ЯНГИ БОШ ВАЗИР

20 сентябрь куни Таиландда содир бўлган қонсиз давлат тўнтаришидан икки ҳафта ўтар-ўтмас, янги ҳукумат ваъда берганидек, қироллик вақтинчалик конституция ҳамда вақтинчалик бош вазирга эга бўлди. РИА ахборот агентлигининг маълум қилишича, мамлакатнинг янги бош вазири - 63 ёшли истеъфодаги генерал, қуролли қучларнинг собиқ бош қўмондони, Қироллик Маҳфий кенгаши аъзоси Сураюд Чуланон ушбу лавозимга ўтган якшанба куни қирол Пумипон Адульядет томонидан тайинланган. Қизиқ томони шундаки, қироллик тарихидаги 24-бош вазир Таиландда қуролли қучларнинг сиёсатга аралашувини ҳеч қачон ёқламаган шахс сифатида танилган эди.

Интернет материаллари асосида Отабек НАҲАНОВ тайёрлади

Hukmdan keyingi o`ylar

АДАШГАННИНГ АЙБИ ЙЎҚ, БИРОҚ...

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Албатта, М. Назарова қилмишига яраша қонуний жазога тортилди. Энди у маълум муддат озодликдан, демакки, фарзандларига бош-қош бўлиш — оналик меҳрини бериш бахтидан маҳрум. Оила шамчироғи бўлмиш онадан айро хонадоннинг файзи, қут-баракаси ҳам ўзига яраша бўлади. Ўткинчи ҳою ҳавасга, мол-дунёга хирс қўйган аёлнинг фарзандлари қарови, назорати, тарбияси энди нима бўлади? «Онанг қаерда?», — деган саволга жавоб беролмай, ер чизиб қоладиган болаларнинг кўнгли ярим, бахти кемтик бўлиб қолмаслигига ким кафолат бера олади?

— 28 ёшимда жиноятга қўл урдим, — дейди Нафиса исмли аёл. — Очиғи, бу воқеа бир лаҳзада содир бўлди. 18 ёшимда мени келин қилиб туширган қайнонамнинг зуғум-ситамлари жонимдан ўтиб кетганди. Қай ҳолатда унинг жонига қасд қилганимни ўзим идрок этолмай қолдим. Суд руҳий ҳолатимни, умуман, жиноий ишни ҳар томонлама ўрганиб, менга қамоқ жазосини тайинлади. Гарчи, оғир жиноят содир этган бўлсам-да, Президентимизнинг **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармони туфайли жазодан муддатидан олдин озод этилдим. 5 йил она меҳрига зор бўлган фарзандларимга энди меҳр-муҳаббатимни бахш этаяпман-у, аммо баъзан уларнинг феъл-атворидаги камчиликларни кўриб, ўз вақтида яхши тарбия беролмаганимдан изтиробга тушаман. Қилган қилмишимдан қанчалик пушаймон бўлмай, виждон азобидан қанча қийналмай, шаънимга тушган қора доғни бир умр юволмасам керак...

Жазодан озод этилган кунимоқ ижтимоий қўникма маркази менга ёрдам кўрсатди, тезда ишга жойлашдим. Бундай инсонпарварлик кўмаги учун ҳукуматимиздан, Юртбошимиздан миннатдорман.

Таъкидлаш жоизки, қонунчилигимизда аёлларнинг ҳуқуқий ҳимояси алоҳида ўрин тутади. Ҳаётда адашиб, жиноят содир этган хотин-қизларга жазо белгилашда қонунларимизда бир қанча енгилликлар мавжуд. Президентимизнинг **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармонларида жиноят содир этган аёлларнинг жазо муддатларини қисқартириш масаласига жиддий эътибор қаратилган. Бироқ авф этилганлар орасида Юртбошимизнинг, халқимизнинг ишончини оқлай олмай, ўзига берилган имкониятни суиистеъмол қилаётганлар ҳам учраб турибди. Масалан, Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманида яшовчи Г.Эргашева муқаддам узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилиб, 2001 йил **«Амнистия тўғрисида»**ги Президент Фармонига биноан жазодан муддатидан илгари озод этилганди. Бироқ 2004 йилда қайта жиноятга қўл уриб, икки йил муддатга ахлоқ тузатиш, жазосига тортилади. Буни қарангки, Г.Эргашева ҳали ушбу жазони ўтаб улгурмай, тағин жиноят содир этди. 2005 йил 14 январь куни Гулчеҳра опаси Гулнора билан жанжаллашиб, унга оғир тан жароҳати етказади. Бу жинояти учун Г.Эргашева 3 йилу 3 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Судда Гулчеҳра адашганини кўп таъкидлаб гапирди. Дарвоқе, халқимизда: «Адашганнинг айби йўқ, қайта йўлини топса», деган мақол бор. Аммо уч марта адашиб, тўғри йўлни тополмаган кимсани билиб-билмай хато қилган, дейишга тил бормайди. Эндигина 27 ёшга кирган бу аёлнинг оғир тақдири кишини ўйга толдиради. Ахир, оиладаги ноаҳилллик, опасингилларнинг жанжаллашиб, ҳатто бир-бирига жароҳат етказишгача боришгани, юмшоқ қилиб айтганда, бизда жуда-жуда уят саналади! Кези келганда айтиш керакки, аждодлардан бизга мерос удумлар, урф-одатларга беписанд қараганлари оқибатида ана шундай хунук аҳволга дучор бўлишади. Қашқадарёлик Ж.Воҳидова турмуш ўртоғи, тўрт нафар фарзандини Қарши шаҳрида қолдириб, Тошкентга келади. Турмуш ўртоғи унга лоақал эътироз ҳам билдирмайди. Ж.Воҳидова ҳалол меҳнат билан шуғулланганида-ку, ортиқча гап-сўзга ҳожат қолмасди. Аммо одамларнинг ишончини суиистеъмол қилиб, фуқаро М.Ибрагимовдан 1.155.000 сўмлик 115 қоп ун олиб, пулини тўлашни хаёлига ҳам келтирмайди. Кейин эса, у А.Исаевни 70.000 сўмга, А.Ҳакимовни эса 50.000 сўмга чув тушириб, ўзи ғойиб бўлади. Аммо «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади», деганларидек, Жамиланинг қилмиши тез орада фош бўлди. Ж.Воҳидова ҳамтовоғи Ҳусниддин Зокиров билан жиноий тил бириктириб, ижарага турган С.Ҳошимованинг хонадонидаги 435.000 сўмлик мол-мулкни ўмариб, Чорсу бозорида сотмоқчи бўлиб турганларида ИИБ ходимлари томонидан ашёвий далил билан қўлга олиндилар.

Таҳлиллардан аён бўлаётирки, хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятларга ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги, қўл уришаётган ишларининг оқибатини идрок этолмаслик сабаб бўлмоқда. Бироқ қандай ҳолатда бўлмасин, аёлнинг жиноят содир этганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Айни пайтда, жойларда хотин-қизлар жиноятчилигига барҳам бериш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар бўлимларида, маҳаллий ҳокимият тизимларида, хотин-қизлар қўмиталарида аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдек инсонпарварлик тадбирлари давом эттирилмоқда.

Мутафаккирлардан бири айтган ушбу доно фикр башоратдай жаранглайди: «Яхши одамлар кўпайсин десангиз, яхши оналарни кўпайтиринг!»

Дарҳақиқат, яхши оналар — миллат кўрки, ёрқин келажагимиз кафолатидир.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
журналист

Sirli dunyo

ЁВВОЙИЛАР ОРОЛИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

...Шу пайт папуаслардан бири менга қарата камондан ўқ узди. Ўқ тўғри бошимни силаб ўтиб, пальма дарахтига бориб санчилди. Кўрқувдан юрагим бўғзимга тиқилди. Йўл кўрсатувчи йигит уларнинг мен билан ҳазиллашаётганликларини айтиб, юпатмоқчи бўларди. Ҳаяжондан довдираб қолдим: дарахтлар ораси қандай кириб кетганимни ҳам эслай олмайман. Қандайдир дудланган гўшт иси чор атрофни тутиб кетган эди. Қарасам, бир бечора одам танасини ўтда дудлаётган эканлар. Мени ҳам оловда пиширсалар-а, деб буткул ишондим. Титраётган панжаларим билан уяли телефондан ёрдам чақирмоқчи бўлдим, аксига олиб телефон ҳам ишламасди...

Ҳалиги дудланган одам гўштини тўғридан-тўғри менинг қаршимга олиб келдилар. Оловда қуйдирилган одамнинг лаблари қорайиб, оғзи карнайнинг оғзига ўхшаб очилиб кетганди. Бу ваҳимали манзарани кўриб, оёқ-қўлим тамомила ўзимга бўйсунмай, беҳузур бўлиб, пальма дарахтига суяниб қолдим. Анча вақтгача кўркиб кетганимдан ўзимга келолмадим. Гўёки, «қуйдирган калла» менга тишларини ғижирлатиб қараётганга ўхшарди. Шундай ахволга тушиб қолишдан худонинг ўзи сақласин...

«Бу одам қўшни душман қабиласининг қудратли жангчиси эди», — деб тушунтирди йўл кўрсатувчи қўли билан калла суягини силаб, — У жангда қаҳрамонлик кўрсатиб, ҳалок бўлди,» — деб қўшиб ҳам қўйди. Унинг жасурлигига ҳурмат ва эҳтиром билдириб, танасини кўп йиллар сақлаб қўйишга қарор қилган эканлар. Майит танасига махсус суюқлик юбориб, сўнгра оловда дудлаганлар. Мўмиёланган бу одам жисмини қабила сарҳадига ўрнатиб қўйишган. У босқинчиларни қўрқитиши, байрам кунлари эса қабила оқсоқоли ёнида савлат тўкиб «туриши» лозим. Унинг ёнига қурбонлик қилинган жонзот гўштининг бир бўлагини қўядилар. Буларни мен кейинчалик идрок қилдим. Ҳайратланарлиси шундаки, ҳар бир қабиланинг турар-жой масканлари остонасида ана шундай «қўриқчи»лар мавжуд экан. Улар ё ўз қабиласининг ҳалок бўлган жангчилари танаси ёки душман қабиласи жангчиларининг дудланган танаси бўлиши мумкин. Каннибал қабилалари учун бу одатий ҳолга айланган. Баъзи «қўриқчи»лар 300 йил, ҳатто ундан ҳам кўп вақт олдин қўйилган. Айримлари эса яқин ўртада ўрнатилганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Фақат «қолоқ» саналган қабилаларгина ана шундай «қўриқчилар» орзусида яшайдилар.

ЁВУЗ РУҲЛАР

«Ўлган одамларнинг арвоҳларига папуаслар алоҳида эътибор билан қараб дилар,—дейди Ваман полиция офицери Мартин Сопутри.—Баъзан ўлган одамларнинг оёқларини синдирадилар ёки терисини шилиб оладилар. Акс ҳолда улар қоронғу тушиши билан ўз душманларидан қасос олгани келишади, деб ўйлайдилар». Ёввойи одамлар ҳатто автомобиль, пальма дарахтларини ҳам жони бор, деб ҳисоблашади. Кунлардан бирида қабила оқсоқолига батареялар билан ишлайдиган магнитофон ҳадя қилдик. Бир ойдан сўнг яна шу қабилага қайтиб келсак, магнитофон йўқ.

Биз инъом қилган магнитофон қани, деб қабила оқсоқолидан сўрадик.

—У вафот этди,-деб жавоб қайтарди,— бу анжомнинг руҳи бизга хавф етказмасин, деган ниятда унинг танасини бир неча бўлакларга бўлиб, дафн қилдик.

— Нима қилиб қўйдингиз?,-дея бошимни ушлаб қолдим,-дейди полиция офицери. — Ахир, унинг фақат батареяси кучсизланиб қолган бўлиши мумкин, дейишимга қарамасдан, улар гапларимга ишонишмади.

Ўз душманларининг дудланган танасини қўлма-қўл кўтара-кўтара ёввойи одамлар қишлоқларига қайтишди. Биз ҳам ёғоч панжаралар билан ўралган турар-жой ичига киришга уриниб кўрдик. Четанлар одам бўйи келарди. Ошиб тушдик. Қўлида найза ушлаган қабила оқсоқоли ҳисобланган бир йигит бизни қарши олди, унинг юзидан кутилмаган меҳмонлар ташрифидан мамнун эмаслиги сезилиб турарди.

Ҳатто насронийликни қабул қилган папуаслар ҳам оқ танли одамларга ишончсизларча муносабатда бўладилар. Чунки ажнабийлар билан бирга келган ёвуз руҳлар қишлоқни оралаб қолиши мумкин, деб тасаввур қиладилар.

Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас қабила оқсоқоли юзига табассум югурди. У биз совға сифатида олиб келган қоп ичидаги тўнғизнинг хириллашидан мамнун эди. «Менинг ташрифим ижобий қабул қилинди,-деб ёзади Г.Зотов, — чунки биз дуру-гавҳарларни қанчалик қадрласак, Папуа чангалзорларида ҳаёт кечирадиган одамлар тўнғизни ундан ҳам қимматроқ ҳисоблайдилар. Улар уй-жой сотиб олишда, картошка экадиган майдонларни харид қилишда тўнғиз сони билан нарх-навони белгилайдилар. Ажабланарлиси шундаки, агар бирон-бир ёш эркак уйланмоқчи бўлса, қиз томонга гўштдор тўнғиз тортиқ қилади. Келин бўлмиш сулув бўлса, уч карра кўп тўланади. Тўнғизлари сероб бўлган бой кишилар ўн нафаргача хотин оладилар. Бундан қабила аёллари сира хафа эмаслар, чунки худди шундай шартлар асосида улар ҳам бир неча эрга «хўжайин»лик қилишлари мумкин. Фақат қуёв томонга семиз, ва гўштдор тўнғиз иньом этсалар, бас.

Мени 22 ёшлардаги тадбиркор бир қиз билан таништиришди. Унинг 4 та тўнғизи ва икки нафар эри бўлиб, энди учинчи эрни «никоҳи»га олишни мўлжал қилиб турибди экан. Папуада оила ва никоҳ масалалари биз ўйлаганча озод ва демократик эмас. Борнео оролининг қалин ўрмонларида уйланишни орзу қилган йигит қайлиғига ўзининг кучли эканини исботаши лозим. Исбот – душман қабиласидаги бир кимсанинг бош суягини офтобда қуритиб, қайлиғига ҳадя қилиши керак. Полиция ходимлари қанчалар жаҳолатга қарши кураш олиб бормасинлар, бу ишда бир қатор муваффақиятсизликка учрамоқдалар.

Мен олиб келган тўнғизни шу заҳотиёқ ўқ-ёй билан отиб ўлдиришди. Бамбук дарахтидан ясалган пичоқ билан нимталашди. Бу қабила темир нима эканлигини билмайди ҳам. Тўнғиз гўштини ширин картошкалар билан ўрага солдилар-да, устига ўтда қиздирилган тошларни ташладилар. Дарахтнинг қуриган шохларини чарм тасма ёрдамида айлантирилади, кучли ишқаланиш натижасида эса ёғоч «гуркираб» ёна бошлайди. Папуаснинг терлаб-пишиб ўт олдириш учун қилаётган ҳаракатини беихтиёр кузатиб, бозорга бориб икки дона гугурт сотиб олса бўлмасмикан, деган хаёлни кўнгимдан ўтказдим.

— Мана икки йилдирки, қўшни қабилалар билан бизнинг ўртамизда уруш кетяпти,-деб сўзлаб қолди қабила оқсоқоли, — олдин икки қабила иноқ яшардик. Кунлардан бирида бизнинг бир тўнғизмиз улар томонга қочиб ўтди. Аблаҳлар уни қайтариб беришдан бош тортишди. Шундан бери биз томондан беш киши, улардан етти киши низо қурбони бўлди. Бундан роппа-роса уч ой аввал мана шу ўт ўрага уларнинг бир жангчисини тириклайин ташлаган эдик. Уни тириклайин пишира бошлаганимизда у ўзини жуда жасур ва дадил тутиб, бизни бетўхтов қарғай кетди. Биз унга бағишлаб қўшиқ ҳам тўқидик. У каби довюрак бўлишни орзу қиламиз.

— Кечирасиз, сиз нима деяпсиз, уни еб юбордингларми? — сўрадим қўрқувга тушиб.

Қабила оқсоқоли мийиғида кулиб қўйди-да, саволимга жавоб бермади, нигоҳини олов аланга олаётган ўрага қаратди.

Ана шундай «зиёфат»да иштирок этишдан яратганнинг ўзи асрасин...

ДОВЮРАК АЁЛНИ "ЕМАБДИЛАР"-КУ?

Йўл бошловчи ўз ҳикояси билан бизни яна ҳам ваҳимага солди. Унинг айтишича, довюрак одамнинг юрагини жангчилар бўлиб истеъмол қиладилар. Чунки ўлганнинг кучи уларга ўтармиш. Бошини эса қабила оқсоқоли истеъмол қилса, марҳумнинг ақл-заковати унга кўчар экан. Умуман айтганда, Папуа чангалзорларида лукмага айланмаслик учун одамлар жасоратли бўлишни ёқтирмайдилар. Вамена қабиласида бошланғич мактаб ўқувчиларига дарс бераётган голландиялик ўқитувчи иккинчи жаҳон уриши йилларида немислар томонидан қатл қилинган бир жасур аёл тўғрисида сўзлаб беради. Болалар ушбу ҳикояни диққат билан тинглайдилар. Фақат бир қизалоқ қўлини кўтариб, ўқитувчига мурожаат қилади: «Жаноб, у аёл жасур бўлса, немислар унинг гўштини ейишмабди-ку?».

Полиция қабилалараро урушларнинг олдини олиш ниятида тез-тез қабила бошлиқлари билан музокара олиб боради. Г.Зотов Папуага ташриф буюрган дастлабки кунларда Тимик шаҳарчаси яқинида жойлашган икки қабила ўртасидаги уруш ниҳоясига етган экан. Улар ўртасидаги тўқнашув бир қабиладаги ёш йигит ов пайтида иккинчи қабилага қарашли ёш қизчага ўз ёйи билан жароҳат етказганлиги туфайли бошланиб кетади. Улар бешта тўнғиздан иборат товон тўлашдан бош тортишади. Уруш натижасида ўнлаб одамлар ҳалок бўлади. Беш одам асирга олинади. Асир тушган кишиларнинг суякларини уриб «мажақ»лайдилар, сўнгра бир кун давомида сувга солиб қўядилар, — деб тахмин қилади маҳаллий полиция вакилларидан бири, — ғолиблар асирларни «паққос» туширишган.

Индонезия ҳукумати папуасларнинг бу одатларини таъқиб остига олмасликларини билдиради, аммо қабилаларни инсонпарвар бўлишга даъват этади...

— Бир неча соатлардан сўнг тутаётган ўрадан пишиб етилган тўнғиз гўштини оладилар ҳамда банан дарахти япроқлари билан ўрашади. Энг аввал қабила оқсоқоли ва қариялар уни татиб кўрдилар, сўнгра ёш жангчилар ўтирган дастурхонга тортилди. Улардан қолган-қутгани аёлларга тортиқ этилади. Бу ҳол ўта адолатсиз бўлса-да, аёллар ниҳоятда хурсанд бўлишди. Улар «шапиллатиб» гўштни чайнар эдилар. Фақатгина ўзига тўқ, тўртта тўнғизи бор ёш аёл «аразлаб» ўз капасига кириб кетди.

Тўнғизни «паққос» туширган папуаслар мени ўз қишлоқлари бўйлаб сайрга таклиф қилдилар. Улар ўзларининг яшаш ва турмуш шароитини кўрсатишга ошиқдилар. Тўғрисини айтсам, кўрадиган нарсанинг ўзи йўқ; ҳаммаси бир-бирига ўхшаган, томлари думолоқ пальма япроқлари билан ёпиган капалар, эди. Унинг ичи эса бўм-бўш, одамлар қуруқ хашаклар устида ухлар экан.

Эркаклар аёлларидан ажратиб қўйилган ҳолда ҳаёт кечиришади. Қишлоқнинг марказида махсус висол кулбаси бўлиб, ҳар кеча бу масканда бир жуфт ёш йигит-қиз турмуш қурадилар. Бу кулбага кириш учун қатъий навбат тартиби белгиланган. Ёшлар бир неча ҳафта олдин навбатга ёзилишади.

Қишлоқни айланиб бўлгач, қабила бошлиғи сандиғидан ўзи тайёрлаган ўрама тамакисини олиб менга тутқазди. Мен умуман чекмайман, лекин яхши одам илтифот кўрсатганда унинг қўлини қайтариб бўладими? !

—Тез кунларда бизнинг қабиламизга фолбин келади,-деб сўзлай бошлади қабила бошлиғи тамаки тутунини қўллари билан елпиб.—У жуда баджаҳл одам. Бир куни менинг жангчиларимдан бирига «сен икки кундан сўнг ўласан»,-деб башорат қилди, айтгани бўлди, роппа-роса икки кун ўтгач, у ўлди. Айтгандек, фолбин оқтанлиларни ёмон кўради. Яхшиси, сен ўрмонга бориб тунай қолгин.

— Вазият вақт ўтган сари яна ҳам оғирлашяпти, деб ўйладим. Қора тамакининг аччиқ тутуни ўпкамни «узиб» олай деди. Бу ерга нима сабабдан келдим-а? Каннибалларга ем бўлишдан худо сақласин...

Изоҳ: Г.Зотов бу қабилани тарк этмасдан фолбин билан суҳбатлашади. Бу ҳақда газетанинг кейинги сонида ҳикоя қиламиз, ўқиб боринг.

Хорижий матбуот материаллари асосида Зафар ЁҚУБОВ тайёрлади

Faoliyat

ДЕПАРТАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

ҳуқуқ ва бурч масъулияти

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 21 апрелдаги **«Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига асосан, Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментига айлантирилди. Мазкур қарорга биноан Департаментга қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Департамент бўлинмалари ваколатига кирувчи масалалар бўйича тушунтиришлар, маълумотлар олиш учун таклиф қилиш;

- агар солиқ ва валюта соҳаларида, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноят содир этишда шубҳа қилиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг зарур ҳужжатларини белгиланган тартибда текшириш;

- солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоботларнинг бузилиши ёхуд уларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятларга алоқадорлиги аниқланган ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа молмулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг телекоммуникация воситалари, компьютер маълумотлар базалари, шунингдек, тўловчиларнинг ҳужжатлари билан белгиланган тартибда танишиш;

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши бўйича текшириш тадбирларини амалга ошириш;

- солиқ ва валюта соҳаларидаги жиноятлар тўғрисида ишончли маълумотлар бўлган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари билан биргаликда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши режасига киритилган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишда қатнашиш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган муддат ва тартибда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- терговолди текширишларни амалга ошириш ва жиноий ишлар қўзғатиш;

- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш;

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга аниқланган қонунбузилишлари бўйича уларни содир этишга имкон яратган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритиш.

К.ДАСТАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг Сирдарё вилояти бошқармаси катта инспектори,
А.АСРАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг Сирдарё вилояти бошқармаси Ховос туман бўлими бошлиғи



Курфа гўзал тошларнинг Юзин ювар зилол сув!

Jinoyat va jazo

УЗИЛГАН РИШТАЛАР

Суд очерки

Аслини айтганда, Шавкатнинг (исм-шарифлари ўзгартириб берилди) ҳаётдан нолийдиган жойи йўқ: отасининг қўллаб-қувватлаши орқали ўрта махсус маълумотга эга бўлди. Кейин эса Элликқалъа тумани марказий касалхонасининг тез тиббий ёрдам бўлимида навбатчи-диспетчер лавозимида ишлай бошлади. Орадан кунлар ўтиб, ҳадемай у йигирма тўрт ёшга ҳам қадам қўйди.

Бир сўз билан айтганда, ҳаётда унинг ҳеч кимдан кам жойи йўқ эди. Шундай кунларнинг бирида отаси уни ёнига чақирди:

— Шавкат, — дея отаси оҳиста гап бошлади, — биз онанг билан ўйлашиб-ўйлашиб, бир хайрли ишга қўл ураяпмиз. Сенга Исмоил қариндошимизнинг Санобар деган қизини олиб бермоқчимиз. Шунга нима дейсан, ўғлим?!

Шавкат кутилмаганда сесканиб тушди.

— Ота, — деди у ҳовлиққан кўйи, — ахир, мен у қизни яхши танимайман. Қолаверса, қариндошдан қиз олиш қоидага тўғри келмайди.

— Қоидаси бор эканми, — деди отаси ҳам қизишиб. — Ҳамма гап унинг қариндошлигида! Уруғ-аймоқчилик узилиб кетмасин, деб шу ишга қўл ураяпмиз, ўғлим!

Шавкат яна алланима дейишга чоғланган эди, ота дангалига кўчди:

— Гап тамом! Келгуси ҳафта тўй бўлади!

Хуллас, ҳаммаси отаси айтгандек бўлди. Тўй куни узоқ-яқин қариндошлар йиғилди. Тонгга қадар тўй давом этди.

Бироқ тўйда айтилган тилаклар, қувончу шодлик узоққа чўзилмади. Келин-куёвлар турмушида оддийгина тотувлик етишмади. Зўрма-зўракилик асосига қурилган оила ҳафта-ўн кун ўтмай жар ёқасига келиб қолди. Келин бўлмиш — Санобар ҳар икки гапнинг бирида Шавкатдан бир ёш катта эканини пеш қилар, устига-устак у янги-янги хурмача қиликларни ўйлаб топарди. Энг ёмони, ҳали келин бўлиб тушганига қирқ кун ҳам тўлмай тўй-томошага боришдан чарчамасди. Бунинг устига уйда унинг сира қовоғи очилмас, оила аъзоларига тик қараб, гап қайтиришдан ҳам тоймасди.

— Мен тўрт девор ичида қамалиб ўтиролмайман! — дея нуқул у нолирди.

Албатта, Шавкат Санобарнинг бундай муомаласи, ўжарлиги ва ёқимсиз қиликларига узоқ чидаб туролмади, қай куни эрталаб унинг юзига тарсаки тортиб юборди. Бундай муносабатни сира кутмаган Санобар аразлаганча, онасиникига кетиб қолди.

Сув лойқаланди. Тўғри, орадан кўп ўтмай одамларнинг қистови билан Санобар уйига қайтган бўлса-да, бу хонадонга нисбатан кўнгли исимади. Бунинг устига айни ўша кунлари яна бир можаро рўй берди. Бунисида Шавкатнинг ҳам айби йўқ эмасди: қишлоқдаги тўйда Санобар бошида рўмолсиз юрганини кўриб, унинг фиғони чиқди, дағдаға билан хотинини ҳақорат қилди.

Умуман айтганда, Шавкатнинг ҳам хатти-ҳаракатини оқлаб бўлмасди. Бир ёмон, бир яхши тиллашади, икки ёмон беллашади, деган гап бор. Айтмоқчимизки, Шавкат босиқлик билан иш тутса, эҳтимол, Санобар ҳам хатосини тушуниб, қуйилиб қоларди.

Бироқ Шавкатнинг ўзи айни шу кунларда жиноятга қўл уради ва Беруний туман суди томонидан Жиноят кодексининг 186-1-моддаси, 1-қисми асосида жарима жазосига тортилади.

Дард устига чипқон, деганларидек, судланганлигига ҳали ўн кун тўлмай туриб, у яна бир каттароқ жиноятга қўл урди. Ўша кун у ишда эди. Негадир хотинининг тўйда бош яланг юрганини эслади-ю, бирдан қони қайнаб кетди. Бўлимда навбатчи эканлигини унутиб, уйига шошилди. Уйга кириши ҳамон Санобарга ғазабини сочди.

— Сен кўчада рўмолсиз юришни кимдан ўрганган сан? — дея хотинига ўдағайлади. Шундай дедию, у шитоб билан стол устидаги қайчини қўлига олди. Хотинининг дод-войига қарамай, унинг сочларини қайчи билан қирқиб ташлади. Бундай ҳақоратга чидолмаган Санобар эрталаб, эри ухлаб ётган пайт лаш-лушларини орқалаб, яна онасиникига йўл олди.

...Ўша кун зиёфат қизигандан қизиди. Заҳри қотил ўз ишини қилиб, Шавкатни бутунлай имонихтиёридан айирди. У бир алфозда уйига келгач, ошхонага кирди. Атрофга аланг-жаланг боқди-да, стол устида турган пичоқни қўйнига солди. Кейин эса тўппа-тўғри қайнотасининг уйига йўл олди ва «гаплашиб оламиз», дея Санобарни ташқарига чақириб чиқди.

— Нега индамай кетиб қолдинг? — деди у ғазаб билан.

— Сиз билан энди яшамайман, — деди Санобар.

— Шундайми?.. — Шавкат шундай дея қўйнидаги пичоқни чиқариб, зарб билан Санобарга санчди. Санобар «дод» солган кўйи бўкчайиб қолди. Шавкат эса, шу заҳотиёқ воқеа жойидан ғойиб бўлди...

Жиноят содир этилди. Унинг тафсилотларини ўрганиш жараёнида шундай ҳақли савол туғилади: хўш, бу фожианинг илдизи қаерда? Бундай қўнгилсизлик рўй бермаслиги ҳам мумкин эдими? Ўша кун Санобар бахтли тасодиф туфайли омон қолди. Бироқ воқеа тескари тус олганда, нима бўларди?

Бу саволларга ижобий жавоб қайтариш қийин. Фақат бир нарса аниқ: юз берган кўнгилсизликлар боиси битта-оилавий турмушга, ёшлар тақдирига бефарқлик! Шавкат ва Санобарнинг ота-оналари ўзаро қариндош-уруғ бўла туриб, нима сабабдан ёшларни оилавий турмуш қуришга мажбурлашди? Аслида, бутун фожиага мана шу ҳол сабабчи эмасми? Ахир, катталар ибрати қаерда қолди?

Рўй-рост айтиш керакки, Шавкат ва Санобарларнинг оилавий турмуш бобидаги иштирокларини ҳам ёқлаб бўлмайди. Улар янги ҳаёт қуриш масаласини ҳал қилишиб, олддаги вазифаларга тийрак кўз билан қарашлари лозим эмасмиди?

Нима бўлганда ҳам, фожиа рўй берди: бутун бошли оила бор-йўғи бир ярим ой ичида барбод бўлди. Энди бу ёғида томонлар ўртасидаги эски қариндош-уруғчилик удумлари давом этадими, ёшлар қалбидаги узилган кўнгил ришталари қайта боғланадими — буни вақт кўрсатади.

Анажон РАЗЗОҚОВА,
ҳуқуқшунос,
Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2006 йил 18 сентябрдаги 19-сонли қарори билан Бакаева Маҳзуна Файзуллаевна номига 1997 йил 29 августда берилган SA 000034 рақамли нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия БЕКОР ҚИЛИНДИ.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-1215. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5